

11 октябр - Халқаро қизлар кун



БМТ Бош Ассамблеясининг 2011 йил 19 декабрдаги резолюциясига асосан, 11 октябр “Халқаро қизлар кун” деб эълон қилинган.

БМТга аъзо давлатлар, халқаро ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг турли тузилмаларига ушбу кунни кенг миқёсда нишонлаш, шунингдек бутун дунёда қизларнинг ҳаёт тарзи, яшаш шароитлари, ҳуқуқ ва эркинликлари билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш тавсия этилади.

БМТ маълумотларига кўра, дунёда 15–19 ёш оралиғидаги ҳар тўрт нафар қиздан бири ишлаш, ўқиш ва касбий тайёргарлик имкониятига эга эмас.

Сана муносабати билан Термиз туманидаги таълим муассасалари, маҳалла йиғинлари? Корхона ва ташкилотларда турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Унда қизларнинг ўз билим ва иқтидорларининг намоиши этишлари учун турли танловлар, давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Тадбирлар кун давомида ўтказиб борилади.